

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

### МАТЕМАТИКА

#### А.К.Үринов, А.Н.Рафиков

Иккита сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимини  
куриш.....5

#### А.С.Бердышев, М.С.Азизов

Түгри түртбұрчақда түртінчи тартибли сингуляр коэффициентли тенглама учун аралаш  
масала.....10

### ФИЗИКА, ТЕХНИКА

#### О.Деңқонова, Ф.Юсупова

Умумий ўрта таълим мактабларыда физикани ўрганиш самарадорлигини оширишда  
интерфаол методларни күллаш .....20

### КИМЁ

#### Б.Саттарова, И.Асқаров, А.Жўраев, К.Киргизов

Табиий ва синтетик озиқ-овқат қўшилмаларининг фойдали ва заарли хусусиятлари .....24

#### Ғ.Очилов, Г.Турсунова, Р.Карабаева, А.Иброхимов, М.Исақов

Мева данакларидан адсорбентлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш .....27

### БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

#### Р.Х.Максудов

Асаларичилик ва ушбу соҳа ривожида олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни .....31

### ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

#### Р.Қ.Кўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж.Халилова

Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг айrim жиҳатлари .....34

## Ижтимоий-гуманитар фанлар

### ИҚТИСОДИЁТ

#### А.Гафуров, Г.Халматжанова, А.Мирзаев

Ўзбекистон иқтисодиётида инновация ва модернизация .....38

### ТАРИХ

#### А.Махмудов

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишнинг манбашунослиги ва  
тарихшунослиги .....42

#### Ў.Хошимов, Р.Шукуруллаев

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида кадрлар  
тайёрлашдаги ўзгаришлар (Фарғона водийси мисолида) .....46

#### Т.Хатамов

Ўзбекистонда ҳалқ таълими тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,  
хорижий тилларни ўқитиш ва кадрларни қайта тайёрлашда ҳалқаро муносабатларнинг  
илмий таҳлили .....50

#### У.Хўжамуратов

Ўзбекистонда ширкат хўжаликларидаги муаммолар ва уларнинг тугатилиши .....55

#### А.Алоҳунов

Фарғона қадимги шарқ илк дәҳқон жамоаларининг миграциялари даврида .....60

### ФАЛСАФА, СИЁСАТ

#### Ж.Я.Яхшиликов, Б.Мирзарахимов

Жамият ҳаётига мағкуравий муносабатларнинг таъсири ва уларнинг намоён бўлиш  
хусусиятлари .....64

#### Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова

Ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар: назария ва амалиёт .....67

#### Ш.Аббосова

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини  
таъминлаш масалалари .....72

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

УДК: 638.1+63

АСАЛАРИЧИЛИК ВА УШБУ СОҲА РИВОЖИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ  
МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЎРНИ

Р.Х.Максудов

**Аннотация**

Мақолада қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланмиш асалариҷиликни ривожлантиришининг аҳамияти мисоллар асосида ёритилган. Ушбу тармоқ мутахассисларини тайёрлаш борасида Фарғона давлат университетида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилган.

**Annotation**

В статье на основе примеров освещается значение развития пчеловодства как одной из важных отраслей сельского хозяйства. Представлены сведения о работе по подготовке квалифицированных специалистов в области пчеловодства в Ферганском государственном университете.

*Annotation*

This article highlights the significance of the development of beekeeping as the most important in the sphere of agriculture. This article provides an information about the preparatory work on the training of specialist in the Fergana state university.

**Таянч сўз ва иборалар:** қишлоқ хўжалиги, асалариҷилик, ўсимлик гуллари, эволюцион ривожланиши, чанглатиши, энтомофил ўсимликлар, даромадли тармоқ, устувор вазифалар, кулранг зотлар.

**Ключевые слова и выражения:** сельское хозяйство, пчеловодство, цветки растений, эволюционное развитие, опыление, энтомофильные растения, прибыльная сфера, приоритетные задачи, серая порода.

**Keywords and expressions:** agriculture, beekeeping, flowers of plants, evolutionary development, pollination, entomophilies raises, profitable sphere, priority-oriented tasks, gray breed.

Асалариҷилик қишлоқ хўжалигининг ажралмас, муҳим тармоғи ҳисобланади. Асалари оиласиарини кўпайтириш, асал, мум, гулчанги каби асалариҷилик маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини чанглантиришга, ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради. Мева, резаворлар ҳосили сифатини яхшилаш билан бирга уруғчилик хўжаликларида уруғликнинг унумли ва сифатли бўлишида ҳам асалариларнинг ўрни бекиёсdir.

Ўзбекистон қитъанинг марказида жойлашгани ва денгизлардан узоқдалиги боис иқлими ўта мўътадил, табиий-географик шароити хилма-хил бўлиб, ўртacha ойлик ҳарорат бўйича вилоятлари ва туманлари бир-биридан фарқ қилиб, айrim ҳудудларида унинг тез кўтарилиши ва экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларининг турфалиги асалариҷиликнинг ривожланишига тўла мос келади.

Асалариҷилик кўп минг йиллик тарихга эга. Ўтмишда асаларилар дарахтларда, тоғларнинг қояларидағи ковакларда яшаган. Ҳозирги кунда асаларилар маҳсус уяларда боқилмоқда, етти хазинанинг бир ҳисобланиб келинмоқда.

Асаларилар фақат икки хил озуқа, яъни ўсимлик гулларидан тўпланган шарбат (асал) ва гулчанганини истеъмол қиладилар. Эволюцион ривожланиш жараёнида асаларилар билан ўсимлик гуллари ўртасида узвий алоқа юзага келган. Ўсимлик гуллари асаларилар ва бошқа ҳашаротларни ўзига жалб қилиб, уларга озуқа берса, асаларилар ўз навбатида ўсимликларни оралиқ чанглантириш орқали тугун ва мева тугилишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ўсимлик гулларининг ранги, ҳиди асалариларга ўзлари учун тез озуқа топишга ёрдам беради. Табиатдаги ўсимликларни чанглантирувчи ҳашаротлар орасида асаларилар алоҳида ўрин эгаллади. Улар алоҳида-алоҳида эмас, кўп минг сонли оила бўлиб яшашлари эвазига қишлоқ хўжалик энтомофил ўсимликларни яхши чанглантиради. Асаларилар гулларнинг ҳосилдорлигини ошириб, мевалари сифати ва мазасини яхшилади. Улар ўсимлик гулларидан тўпланган шарбатни қайта ишлаб асалга, гулчанганини эса инчаларга жойлаб, устига асал қуиб, узоқ сақланадиган перга деб номланувчи оқсил озуқага айлантирадилар.

Инсоният мавжуд экан, унинг асал маҳсулотига бўлган талаб ва

Р.Х.Максудов – Фарғона давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

Эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бораверади. Ҳозир ҳар бир соҳада, яъни саноатсозлик, қандолатчилик, тибиёт, самолётсозлик, ракетасозлик, радио, телевизор, компьютер ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда асалариларнинг мум маҳсулотларидан фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам асаларичилик доимо даромадли тармоқ бўлиб келаётir.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш ва қўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамиизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги ушбу ва бошқа муаммоларни ҳал этиш ҳамда ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаб олишда дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан 2017 йилда юртимизда фаолият юритаётган асаларичиларни бирлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда кенг тарқалган асалари зотлари касалликка чидамлилиги, иқлим-шароитга мослашувчалиги, яхши асал бериши каби жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда танланган. Булар сирасига «Карпат», «Кавказ», «Украина», «Кавказ тоғ» кулранг зотлари ва маҳаллий асаларилар киритилган бўлиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида парвариш қилинмоқда. Келгусида уларнинг наслини янада яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида вилоят асаларичилик уюшмаси фаолиятини республиканинг бошқа ҳудудларида тарғиб этиш, вилоят Асаларичилик ўқув-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари қаторида Фарғона давлат университетида зоотехния бўйича мутахассисларни тайёрлаш белгиланган эди. Бу орқали асаларичиликчи чуқур ўргатиш, республика ҳудудларидаги соҳа ходимларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, вилоятдаги битта қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида асаларичилик йўналишида кадрлар тайёрлаш бўйича услубий марказ ташкил этиш зарурлиги таъкидланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамиизда асаларичилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3327-сонли қарорининг 9-бандида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Фарғона давлат университетида асаларичилик тармоғи бўйича Зоотехния факультетини ташкил этиш учун муҳим топшириклар кўрсатиб ўтилган бўлиб ушбу қарор ижросини таъминлаш ҳамда асаларичилик соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида Фарғона давлат университетида “Зоотехния: асаларичилик” йўналиши ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу йўналиш талабаларига Фарғона давлат университетининг юқори малакали профессор-ўқитувчилари сабоқ берib келмоқдалар.

Талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил этиш ҳамда ёш тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқотларини олиб бориш юзасидан Фарғона вилояти асаларичилар уюшмаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Фарғона асаларичилик уюшмаси аъзоси, Сўх туманидаги асаларичилик фермер хўжалиги раиси Асалбек Миртозабековга университетнинг фахрий профессори дипломи топширилди.

Университетнинг фахрий профессори Асалбек Миртозабеков томонидан асаларичилик йўналиши талабалари билан асаларичилик соҳасидаги амалий тажрибалари бўйича илмий-амалий учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Амалиётчи асаларичи мутахассисларни илмий-амалий салоҳиятларидан ҳамда вилоят асаларичилар уюшмаси мутахассислари имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиб келинмоқда. Бундан ташқари, моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида вилоят асаларичилар уюшмасининг мавжуд моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш бўйича ўзаро келишув асосида фаолият олиб борилмоқда.

Зоотехния ва агрономия кафедрасида “Асаларичилик бўйича лаборатория” хонаси ташкил этилиб, у университет ҳисобидан умумий қиймати 8,5 млн сўм бўлган лаборатория

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

жихозлари ҳамда 2 млн сүмга яқин асаларичилик соҳасига оид ўқув стендлари билан таъминланди. Шунингдек, ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун интернет маълумотлари ҳамда ривожланган давлатлардан бу соҳага оид зарур адабиётлар олиниб, таржима қилиш ишлари олиб борилмоқда.

2018 йил 10-15 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро асаларичилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган Асал байрамига бағишиланган семинар-тренингда университетдан вакил сифатида кафедранинг 1 нафар доценти ва зоотехния (асаларичилик) йўналишининг 4 нафар талабаси иштирок этди.

Республика асаларичилар уюшмаси раиси ва Фарғона вилоят асаларичилик уюшмаси раҳбари бошчилигига 2018 йил 16 декабрь куни вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасида вилоятда асаларичилик соҳасида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари, вилоятдаги хусусий тадбиркорлар ва университет зоотехния ва агрономия кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирокида асаларичилик соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган семинар-тренинг ўтказилди. Ушбу семинар-тренинг йиғилишида асаларичилик уюшмаси фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган асал маҳсулотларини табиий тоза асал маҳсулотига айлантириш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Фарғона давлат университетида ушбу йўналишининг очилиши нафақат вилоятимиздаги, балки бутун Фарғона водийсидаги ёшларни бу соҳага қизиқтириш, келгусида соҳани янада ривожлантиришга хизмат қиласди.

Фарғона водийсидаги олий ўқув юртларида асаларичилик бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланмайди. Демак, соҳа моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инвестициялар жалб қилиш, асаларичиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар сонини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, ички бозорни сифатли асал ва асалдан тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлаш учун мавжуд табиий ва технологик ресурслардан янада самарали фойдаланиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш учун асаларичилик соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассислар, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғонага ташрифи чоғидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш, аҳоли хонадонларида асалари боқиши ташкил қилиш тизимини жорий этиш, чет элдан зотли асаларилар олиб келиниб, уларнинг сермаҳсул янги авлодини яратиш каби муҳим топшириқлари мазкур соҳанинг ривожланишига замин яратмоқда. Фарғонанинг асаларичилик мактаби эса янада равнақ топиши эл-юрт дастурхонини сифатли асал маҳсулотлари билан тўлдириши шубҳасизdir.

### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил ривожлантириш – халқимиз фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2017 йил 24 июнь, № 125 (6819).
2. Мамасотиев С., Хошимов Н. Асалари – фойда бари. Оммабоп қўлланма. - Т., 2012.